

PHILOSOPHY OF PATRIOTISM

Yuldasheva Nilufar Abdullaevna

Ph.D. Assoc., Under the President, the Agency for the Development of Creative and Specialized Schools under the Cabinet of Ministers of the Republic of Uzbekistan, Director of the School of Creativity named after A. Qodiri
gulomjonterdu@umail.uz

Annotation

Uzbek national education system. In particular, it changed the purpose of literary education - now the main goal is to bring up children on the basis of virtues, educated, highly competent, loyal to the motherland and the people, physically healthy, deep and independent thinker.

Keywords: Motherland, patriot, youth, high morals, spirituality and enlightenment, conscientious attitude to work, science, national values, perfect personality.

XX асрнинг сўнгги ва XXI асрнинг йигирма йилида юз берган ижтимоий-сиёсий ўзгаришлар туфайли миллатнинг асрий орзуси демократия, озодлик, эркинлик, фаровон ва осойишта турмуш тарзини чуқур англаш фурсати етди. Халқимиз ўз олдига эзгу ва улуғ мақсадлар қўйиб, ўз тақдирини ўзи белгилаб, азалий қадриятларимизга суяниб, шунингдек, тараққийпарвар давлатлар тажрибасини ижодий ўрганиб юксак интилишлар билан яшай бошлади. Буларнинг барчаси адабий таълимнинг мақсадини ҳам ўзгартирди — энди бош мақсад болаларни эзгу қадриятлар асосида билимли, юқори салоҳиятли, ватани ва халқига содиқ, жисмонан соғлом, теран ва мустақил фикрловчи шахс этиб тарбиялашдир.

Сўнгги йилларда бу борада қатор қарорлар қабул қилинди. Республика маънавият ва маърифат кенгаши раиси Президент экани белгилаб қўйилди. Кенгашнинг ҳудудий бўлимларига масъуллик ҳокимлар зиммасига юклатилди. Бу ўзгариш маънавий-маърифий ишларни давлатимиз сиёсатида янада юксак ўринга кўтарди. Давлат раҳбари жорий йилнинг 19 январь куни маънавий-маърифий ишлар тизимини тубдан такомиллаштириш, бу борада давлат ва жамоат ташкилотларининг ҳамкорлигини кучайтириш масалаларига бағишлаб ўтказилган йиғилишда,



“Агар жамият ҳаётининг танаси иқтисодиёт бўлса, унинг жони ва руҳи маънавиятдир, Биз янги Ўзбекистонни барпо этишга қарор қилган эканмиз, иккита мустаҳкам устунга таянамиз. Биринчиси–бозор тамойилларига асосланган кучли иқтисодиёт. Иккинчиси – аждодларимизнинг бой мероси ва миллий қадриятларга асосланган кучли маънавиятидир”,- деди.

Фалсафий-методологик асослар турличалиги учун ҳам битта бадий ҳодисани ҳар хил илмий изоҳлашга сабаб бўлади. Шунинг учун ҳам турли дунёқарашлар маҳсули бўлмиш бадий асарлар билан иш кўрадиган адабиёт ўқитувчиси дунёдаги бошқа фалсафий йўналишлардан ҳам яхши хабардор бўлган ҳолда миллий фалсафий асосга таянса, уларнинг асар тўғрисидаги кузатишлари илмий қиммат касб этади.

Ўқитувчи текширилаётган асарда акс этган миллий хусусиятларни тўғри ҳисобга олгандагина бадий таҳлил тўлақонли чиқади. Негаки, бирор миллат учун эзгулик ёки гўзаллик бўлган ҳодиса иккинчи миллат назарида ёвузлик ва қабоҳатнинг ўзгинаси саналиши мумкин. Масалан, биз ойнаи гўзаллик рамзи ҳисоблаймиз, руслар учун эса у лоқайдлик, бефарқликни билдиради. Голландлар энг сулув ва назокатли қизларни сизирга ўхшатишса, ўзбекларда энг бесунақай ва тарбиясиз қизлар бу қиёсга лойиқ кўрилади.

“Қизил ва қора”, “Бовари хоним” асарларидаги де Ренал хоним ва Эмма Бовари образлари ғарб учун инсон ҳурлиги ва эркин муҳаббат тимсоли саналса, ўзбек китобхонлари бу аёлларни тўқликка шўхлик қилаётган бузуқ кимсалар сифатида қабул қилишади. Шу каби «Ўткан кунлар» романидаги Кумуш билан Зайнаб қочиримлари, кундошлик мажоролари ғарбликларга ёввойилик туюлиши, «Одам бўлиш қийин» асаридаги ифбатидан айрилган Гулчеҳранинг ўзини ўлдиришини эса улар мутлақо тушунмаслиги аниқ. Демак, миллий мансублик бадий асарни яратишда ҳам, ўқиб, идрок этишда ҳам, унга аксеологик ёндашувда ҳам муҳим ўрин тутади. Адабиёт ўқитувчиси ушбу ҳолатларни ҳисобга олган тақдирдагина бадий асарни илмий-эстетик жиҳатдан пухта ва асосли таҳлил қилиши, ватанпарварлик ғоясининг образли талқинини ўқувчиларга тўлақонли етказиши мумкин.

Шунингдек, адабиёт ўқитувчиси бадий таҳлил объектини тўғри танлаши шарт. Чунки фалсафий-ғоявий жиҳатдан тўғри келмайдиган асарни тўғри таҳлил этиш имконсиз. Дейлик, ўқитувчи ёшларга



ватанпарварлик туйғусини англатиш ва туйдириш учун «Жангчи Турсун» ёки «Тарас Булба» асарларини танлаб, таҳлил қилишга киришади. Бунда педагог кўзланган натижага эришиш даргумон. Чунки бу асарларнинг фалсафаси ва ғояси собиқ тузумга хизмат қилади. Улар бадиийдан кўра кўпроқ ижтимоий қимматга эга. Уларга кўра олам қарама-қаршиликлар бирлиги ва кураши қонуни асосида мавжуд ва шу сабаб ривожланади. Шу боис ҳам ҳар қандай жамиятнинг ҳар қандай босқичидаги ҳаёт фақат синфий курашлардан иборат саналиб, ҳар қандай алоҳида одамнинг ҳаёти ва тирикчилиги зиддиятлар занжири сифатида талқин қилинган ҳамда бирор бадиий тасвир, албатта, бирор кучнинг ғалабасини кўрсатиш билан якун топган.

Адабиёт ўқитувчиси ҳар қанча дунёқараши кенг, билими чуқур, бадиий идрокка эга бўлмасин, фалсафий таълимоти нотўғри бадиий асарни ўқувчиларга ёқтира олмайди. Бундай асарлардан мутлақо носоғлом хулосалар келиб чиқиши ҳам мумкин. Асосий эътиборни бадиий асар танлашга қаратишимиз сабаби шунда эди.

Ватанпарварлик руҳида ёзилган асарларни кўпчилик бадииятдан йироқ, деб ўйлайди. Бу янглиш тасаввур. Инсон нафақат маънавий, балки ижтимоий яратиб бўлгани каби бадиий асарлар ҳам социал юкка эга бўлиши керак. Ижтимоийликдан холи асар мавжуд эмас. Адабиёт ўқитувчиси ёшларда ватанпарварликдай муҳим, теран ҳисни тарбиялаш мақсадида асар танлаётганида кўзда тутилиши керак бўлган шартларнинг ҳаммасини бажара олмайди, дарслик доирасидан чиқиб кетаолмайди. Юксак бадиият, ғоянинг гўзал тасвири, нозик руҳий ҳолат, ички манзара каби талаблар УЎТМ адабий таълими учун яратилган дастурда инобатга олиниши лозим. Бундай юксак савияли асарлар дастурда кўзда тутилгач, дарсликларга ҳам киритилади. Бу эса адабиёт ўқитувчиси олдида қўйилган мураккаб вазифани бир қадар енгиллатган, ўқувчилар ватанпарварликдай кўламдор, миқёси катта, тушуниш ва тушунтириш осон бўлмаган туйғуни ўқишли асар ёрдамида, қисман эса-да, идрок этишган бўларди.

Бадиий асарларни ўрганиш ва ўқитиш ҳамиша серқирра жараён бўлган. Бунда масаланинг бир томони кўздан қочирилса, катта маънавий ўпирилиш содир бўлиши мумкин. Дейлик, 7-синф адабиёт ўқитувчиси Шухратнинг «Ватан остонасида» мавзусини ўтмоқда. Бу асарни бир ёқлама тарзда тушунтириш имконсиз, бунда асар яхлитлигига путур етади. Ўқувчи Тўмарисдаги шиддат, мардлик, бир сўзлик, журъат,



аёлларга хос бўлмаган қаҳр, узоқни кўра билиш қобилиятининг натижасини асар давомида билиб олади. Аммо бу хусусиятларнинг илдизи, сабабини аниқлаш учун баллада ҳар томонлама таҳлил этилиши лозим. Ўқитувчи таҳлил жараёнида биргина далилни кўздан қочирса ҳам адабий таълим мақсади амалга ошмай қолади. Дейлик, Тўмарис эътиқод қиладиган, бўйсунадиган диний қарашлар, элатигагина хос бўлган дунёқараш ва ёхуд савқитабий (интуиция)нинг ҳар бири бош қаҳрамон характери моҳиятининг таркибий қисмларидир. Айнан шу деталлар Тўмарис деган яхлит образни пайдо қилади. Ўқитувчи қаҳрамоннинг ҳар бир ҳаракати, айтган сўзи, ифода тарзи кабиларни таҳлилга тортиб, юқоридаги сабабларга етиб бориши керак. Бадиий таҳлилсиз образ ва унга хос хусусиятларни илғаш, сезги аъзоларига бўй бермайдиган тушунчаларни пайқаш ва таърифлаш, инсон руҳий оламининг беқиёс ранг-баранглигидан баҳра олиш мумкин эмас. Адабиёт ўқитувчиси ҳар бир ўқувчига руҳнинг мавжудлиги, ҳиссиётнинг бойлиги, сезимларнинг хилма-хиллиги инсонни ўзга жонзотлардан ажратувчи жиҳатлар эканини бадиий матн ёрдамида англата билиши зарур

Фойдаланилган адабиётлар

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев . Маънавий-маърифий ишлар тизимини тубдан такомиллаштириш, бу борада давлат ва жамоат ташкилотларининг ҳамкорлигини кучайтириш масалалари. Тошкент. “Янги Ўзбекистон” 2021 йил 19 январь.
2. Азбаров Ю.Т. Болаларни севиш санъати. – Т.: Ўқитувчи, 1991. – 138 б.
3. Азизходжаева Н.Н. Инновационные и образовательные технологии в подготовке педагогических кадров // Халқ таълими. – Тошкент, 2001. - №4.– С.123-126.
4. Азизхўжаева Н.Н. Ўқитувчи тайёрлашнинг педагогик технологияси. – Т.: ТДПУ, 2000. – 52 б.
5. Активные формы преподавания литературы. Лекции и семинары на уроках в старших классах (составитель: Р.И. Альбеткова). – М.: Просвещение, 1991. – 175 с.
6. Ал Бухорий Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Исмоил. Ҳадис. –Тошкент: Қомуслар бош таҳририяти, 1991. – 560 б.
7. Аледова Р.Ш. Амир Темурнинг маърифий-тарбиявий қарашлари: Пед. фан. номз. ... дисс. автореф. – Тошкент, 2006. – 23 б.



8. Алиев А. Маънавий, қадрият ва бадиият. – Т.: 2000. – 630 б.
9. Алиев А. Педагогик маданият: метод ва маҳорат қирралари // Халқ таълими. – Тошкент, 2007. - № 5 – Б. 23-27
10. Алиқулов Х. «Гуманистик» мерос ва шахс маънавий камолоти. – Тошкент, 2006. – 56 б.

